

## ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Шофиркон туман хокимлиги ва "Тўзал тикувчилар" МЧЖ билан 15 310 000 сум умумий суммадаги № 54 сонли 25 август 2022 йил шартномага

2022 йил ойлар номи	Харажатлар тури			(сўмда)
	48-21-190			Жами
Январ				
Феврал				
Март				
Апрел				
Май				
Июн				
Июл				
Август	15310000			15310000
Сентябр				
Октябр				
Ноябр				
Декабр				
<b>Жами йил бўйича</b>	15310000			15310000

Жами: 15 310 000 (Ўн беш миллион уч юз ўн минг ) сум

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 30% 4 593 000 сўм 2022 йил август ойининг 31 санасигача олдиндан тўланиши лозим.



Рахбар

Н. Рахмонов

Бош ҳисобчи

Б. Жалилов

Ҳазначилик бўлинмаси  
ходими қабул қилди

2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ (имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи  
ходими қабул қилди

2022 й. « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ (имзо)

**ОЛДИ – СОТДИ ШАРТНОМАСИ № 54****Шофиркон шахри****« 25 » август 2022 йил**

“Тўзал тикувчилар ” МЧЖ кейинги ўринларда ”Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи **ГАХТАМОВА** номидан, бир томондан ва Шофиркон туман хокимлиги кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи туман хокимининг биринчи уринбосари **Н. Рахмонов** номидан иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул қилиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

№	Товар (Маҳсулот) номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси	ҚҚС	Баҳоси ҚҚС билан
1	Спорт формаси ( ҳар бири 14 донадан футболка,шорттик,красовка ва носки)	комплект	1	15310000	15310000	0	
<b>ЖАМИ:</b>					15 310 000		

2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» август » 2022 йилгача

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 15 310 000 ( Ўн беш миллион уч юз ўн минг ) сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % фоизини 4 593 000 ( тўрт миллион беш юз тўқсон уч минг ) сумни ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йил август ойида амалга оширилади. Якуний туловнинг миқдори эса, келишилган сумманинг 70 фоизини 10 717 000 ( Ўн миллион етти юз ўн етти минг ) сумни ташкил этади ва бу якуний тулов ҳисоб варака тақдим қилингандан сунг 2022 йилнинг декабр ойининг “31” санасигача амалга оширилади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага қара, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.

2.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган қафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

#### **4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

- 4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
- 4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
- 4.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг конунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

#### **5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги микдорда жарима тўлайди:
- 5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % микдорида неустойка тўлайди.
- 5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% микдорида жарима тўлайди:
- 5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% микдорида жарима тўлайди:
- 5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % микдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган микдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
- 5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

#### **6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

- 6.1. Мазкур шартнома 2022 йил “25” августдан 2022 йил «31» декабргача амалда булади .
- 6.2 Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “ Бюджет кодекси”нинг 122-моддиси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “ Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижросикоидалари” 2016 йил 22 декабрдаги 2850-сонли руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга қиради.
- 6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
- 6.4. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
  - Ўз.Р. конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
  - Форс-Мажор ҳолатларида

#### **7. Шартномани конуний кучга кириши**

- 7.1. 2014 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 122- моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594- сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар ( ишлар , хизматлар ) етказиб берувчилар билан шартномалари , шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарга тутилган .

#### **8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

- 8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
- 8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибда ҳал қилинади
- 8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.



## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар орқали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### «СОТУВЧИ»

“Гўзал тикувчилар” МЧЖ

Манзили: Шофиркон ш Тезгузар кучаси  
Тел: 934760050  
х/р 20208000205338974001  
Халқ банк Шофиркон шаҳри  
МФО 00670 ИНН 308161919

### «СОТИБ ОЛУВЧИ»

Шофиркон туман хокимлиги  
(бюджет маблагларини олувчи номи)  
манзили Шофиркон ш. Мустакиллик 4  
Ҳазначилик бўлим номи: Шофиркон  
Ҳазна х/р 23402000300100001010  
МБ ХККМ Тошкент шаҳри  
МФО 00014 ИНН 201122919  
Тел.: 50-2-32-05  
Ш/х/в 305022860062587109601018001  
ИНН: 201113350  
ОКОНХ 97600



Рахбар:

Г.Ахтамова



Рахбар:

Н.Рахронов

ХУҚУҚШУНОС:

Ш.Очилов